



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни янада самарали ташкил этиш мақсадида буюраман:

1. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинганлиги инобатга олинсин.

3. Ижро интизомини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бошқармаси (К.Иноқов)га:

бир кун муддатда Қонун билан вазирлик марказий аппарати ходимларини таништириш ҳамда халқ таълими тизимидаги барча ташкилот ва муассасаларга етказилишини таъминлаш;

юридик бўлим (С.Миразимов) билан биргаликда вазирлик томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, Қонунга мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Вазир

У.Иноятов

Тошкент ш.,
2017 йил 16 сентябрь,

300 -сон